XALQ DEPUTATLARI JIZZAX SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 26 - mart VI-39-42-3-55-K/22 Jizzax shahar hokimligi

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2022 йил 10 январдаги “Жиззах шаҳрининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-36-14-3-55-K/22-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 24-моддалари, Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон), Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2021 й., 03/21/742/1229-сон), Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги 06/04-02-02-32/203-сонли хати ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 11 февралдаги “Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 5 январдаги “Жиззах вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-31-5-3-0-K/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги VI-32-57-3-0-K/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2022 йил 10 январдаги “Жиззах шаҳрининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-36-14-3-55-K/22-сонли (Жиззах овози газетаси, 14.01.2022 й., 03(9093-сон) қарорига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қайта кўриб чиқиб, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги 06/04-02-02-32/203-сонли хати ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 11 февралдаги VI-32-57-3-0-K/22-сонли қарори маълумот ва ижро учун

қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2022 йил 10 январдаги “Жиззах шаҳрининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-36-14-3-55-K/22-сонли қарорининг қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар бўйича 9-иловасига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

3. Мазкур қарор “Жиззах овози” газетасида эълон қилинсин ҳамда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, шаҳар Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари ҳамда ижросини таъминлаш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Тожибоев, шаҳар Молия бўлими бошлиғи А.Абдужалилов ва шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи в.б. О.Худойбердиев зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **К.Холмуродов**

Xalq deputatlari Jizzax shahar
Kengashining
2022 yil 26 martdagi
VI-39-42-3-55-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	**Ҳудуд номи**	**Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан киритилган базавий ставка (1 га. ер учун,. минг сўмда)**	**Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг.сўмда)**
1	Жиззах шаҳар	29 000,0	1,25	36 250,0